

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SOĞLIQNI SAQLASH VAZIRLIGI
TOŠKENT PEDIATRIYA TIBBIYOT INSTITUTI

Рўйхатга олинди:

Соғлиқни сақлаш вазирлиги

№ ММО

дастур пас.и рўйхати

2023 йил “4” феврал

2023 йил “4” феврал

Билим соҳаси: Соғлиқни сақлаш

“ЖССТ ДАСТУРИ БЎЙИЧА БОЛАЛАРГА СТАЦИОНАР
ЁРДАМ КЎРСАТИШ”

Мавзуй малака ошириш курси ўқув дастури
(ўқиш ҳажми – 36 кредит)

Тошкент - 2023

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SOĞLIQNI SAQLASH VAZIRLIGI
TIBBIY TALIMNI RIVOJLANTIRISH
MARKAZI

Тузувчилар:

Алиева Н.Р.-

1-госпитал педиатрия ва ноананавий тиббиёт
асослари кафедраси мудири, т.ф.д., доцент

Акрамова Х.А.-

1-госпитал педиатрия ва ноананавий тиббиёт
асослари кафедраси, Phd, доцент

Турдиева Д.Э.-

1-госпитал педиатрия ва ноананавий тиббиёт
асослари кафедраси, т.ф.н., доцент

Такризчилар:

Ахмедова Д.И. -

РИПИАТМ директори, т.ф.д., профессор

Юлдашев И.Р. -

ТошПМИ Болалар аллергологияси, клиник
иммунология ва микробиология кафедра
мудири, т.ф.д., профессор

Ўқув дастури Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Марказий услубий
Кенгашида кўриб чиқилган

«21» 2021 й., баённома № 4

Ўқув дастури Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Илмий Кенгашида
кўриб чиқилган

«26» 2021 й., баённома № 6

Кенгаш раиси

Даминов Б.Т.

Ўқув дастури ССВ хузуридаги узлуксиз касбий таълим муассасалараро
Кенгашда кўриб чиқилган ва тасдиқланган

«26» декабрь 2021 й., баённома № 6

Кенгаш котиби

имзо

Ф.И.Ш.

Кириш.

Ўқув дастурининг долзарблиги амалиётга асосланган ва муаммоларга йўналтирилган ёндошув асосида амалий тиббий ёрдамнинг замонавий эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ўқув материаллари ва жараёнлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимининг ва мутахассисликнинг ўзига хос касбий эҳтиёжларига қаратилган. Дастур асосий ва энг янги адабиётлардан, чет эл олимларининг таржима қилинган адабиётларидан, миллий ва жаҳон стандартлари асосида тузилган меъёрий ҳужжатлардан, шу билан бир қаторда, бирламчи тиббий-санитария ёрдами доирасидаги меъёрий ҳужжатлар асосида тузилди. Булар қуйидагилардир:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 январдаги “Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4063-сон қарори;

2019-2022 йилларда юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллиги даражасини ошириш Концепцияси;

2019-2022 йилларда юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари Дастури;

Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 29 августдаги “2015-2020 йиллар даврида Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида”ги 251-сон қарори;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 29 августдаги “Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланишини таъминлаш Концепцияси ва чора-тадбирлар комплексини тасдиқлаш тўғрисида”ги 251-сонли қарорлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5590-сонли Фармони;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 майдаги “Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4310-сонли Қарори;

ЎЗР ВМнинг 27.09.2017 йилдаги № 769-сонли “Тиббий кадрлар тайёрлаш тизимини янада чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори;

ЎЗР ВМнинг 13.09.2017 йилдаги № 718-сонли “БТСЁ муассасаларида тиббий хизматлар сифатини яхшилашга, ўтказилаётган профилактика тадбирларининг самарадорлиги учун масъулиятни оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарори;

ЎЗР ССВнинг 25.12.2017 йилдаги “ЎЗР ССВ тизимидаги тиббиёт муассасаларида юритиладиган тиббий ҳисоб ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида”ги 777-сонли буйруғи;

ЎЗР ССВнинг 08.09.2017 йилдаги “Тошкент шаҳар кўп тармоқли марказий ва оилавий поликлиникалар фаолиятини ташкил этиш хақида”ги 517-сонли буйруғи;

ЎЗР ССВнинг 18.09.2017 йилдаги “БТСЁ муассасаларида профилактик чора-тадбирларнинг самарадорлиги учун масъуллигини ошириш чоралари тўрисида”ги 535-сонли буйруғи ва бошқа меъёрий ҳужжатлар.

Мақсад: Биринчи босқичдаги стационарларда ёш болаларга ёрдам кўрсатиш учун маъсул бўлган врачларга ЖССТ дастури бўйича болаларга стационар ёрдам кўрсатиш, уларга тиббий хизматни ташкил этиш бўйича билим ва амалий кўникмаларини мукамаллаштириш.

1.2. Вазифалар:

1. Болаларда нафас олиш аъзолари касалликларини самарали олиб бориш бўйича ЖССТ томонидан ишлаб чиқилган протоколлар асосида бронхит, бронхиолитлар, пневмония, интерстициал зотилжам, нафас аъзолари аллергияларини, бронхиал астмани эрта ташхислаш, замонавий даволаш, олдини олиш ва кейинги кузатувни олиб бориш кўникмаларини мукамаллаштириш.

2. ЖССТ дастури асосида, болаларда нафас олиш аъзолари касалликларининг хусусиятларида болаларнинг ўсиш ва ривожланиш мониторинги.

3. Нафас аъзолари касалликларининг профилактикаси, диспансер назорати, реабилитацияси бўйича индивидуал маслаҳатлар бериш принципларини мукамаллаштириш.

1.3. Таълим олувчилар контингенти: Поликлиника ва стационар педиатрлари, болалар тор мутахассислари, оилавий шифокорлар, болалар аллергиялоглари, болалар пульмонологлари.

1.4. Ўқув дастурини ўзлаштира олиш учун зарур бўлган тингловчи компетенцияси.

Тингловчилар ЖССТ дастури бўйича болаларга стационар ёрдам кўрсатишда болаларда нафас олиш аъзолари касалликларини этиология, патогенезини, клинко-биохимик таҳлилларни меъёрий кўрсаткичларини интерпретацияси, касалликларни ташхислаш учун ўтказиладиган инструментал текширишларни ва қиёсий ташхислашни билишлари лозим.

1.5. Дастурининг долзарблиги

Ушбу ЖССТ дастури бўйича болаларга стационар ёрдам кўрсатиш қўлланмаси, маълум клиник соҳалар бўйича мутахассисларнинг аниқ маълумотлар муҳокамасига асосланган замонавий клиник тавсиялардан иборат бўлиб, биринчи босқичдаги стационарларда ёш болаларга ёрдам кўрсатиш учун маъсул бўлган врачларга тавсия этилган. Бу тавсиялар элементар лаборатория текширувлари ўтказиш ва асосий дори воситалари мавжуд бўлган касалхоналарда амбулатория ва стационар ёрдам кўрсатиш масалаларига бағишланган. Баъзи ҳолларда бу тавсиялар биринчи босқич сифатида чекланган сондаги болаларнинг стационар даволаш ишларини олиб боровчи йирик медик-санитар марказларида ҳам қўлланилиши мумкинлиги айtilган. Ушбу тавсияларга кўра ҳар бир касалхона:

- ❖ безгак учун қон суртмасини олиш, гемоглобин ва гематокрит микдорини аниқлаш, қондаги глюкозани аниқлаш, қон гуруҳлари ва уларнинг мос келишини аниқлаш, ОМС ва сийдикнинг асосий микроскопик таҳлилин олиб бориш, янги туғилган чақалоқлардаги билирубинни аниқлаш, кўкрак қафасининг рентгенологик текшируви ва пульсоксиметрия қилиш каби асосий диагностик текширувларни амалга ошириш имконига эга бўлиши;
- ❖ оғир касал болаларни даволаш учун зарур бўлган асосий дори воситаларига эга бўлиши керак. Бу ўринда энг янги антибиотиклар ёки ўпканинг механик вентиляцияси каби қиммат даволаш усуллари назарда тутилмади.

Қўлланмада пневмония, диарея, озикланишнинг оғир бузилиши, менингит, қизамиқ ва улар билан бирга кечадиган ҳолатлар каби болалар ўлимининг асосий сабаблари бўладиган касалликлар бўйича олиб борилган кузатувларга алоҳида аҳамият берилган. Қўлланмада шунингдек ОИТВ инфекцияли болалар ва хирургик патологияси бўлган болаларни даволаш бўйича тавсиялар мавжуд. Тавсияларга асос бўлган тамойилларнинг батафсил тавсифларини ЖССТ ҳомийлиги остида чоп этилаётган техник шарҳлардан топиш мумкин. Булардан ташқари шу мавзу бўйича қўшимча маълумотларни ўз ичига олган ЖССТнинг илова тарзидаги қўлланмалари ҳам мавжуд. Улар, берилган тавсиялар учун асос бўлган патофизиологик ва ва бошқа жихатлардаги маълумотларни ўз ичига олиб, юқори босқичдаги талаба-медиқлар ва тиббиёт ходимларига таълим беришда фойдаланиш учун мўлжалланган.

Ушбу қўлланма Халқаро Соғлиқни сақлаш ташкилотининг болалар ва ўсмирлар соғлигини мустаҳкамлаш бўлими томонидан мувофиқлаштирилган халқаро саъйи ҳаракатларининг маҳсулидир.

Дастур ҳажми. Мазкур дастур давомийлиги 1 ҳафта бўлиб, 36соат- 36 кредит-соатдан иборат.

1.5. Ўқиш шакли. Мазкур дастур ишдан тўлиқ ажралган ҳолда ўтказилади.

1.6. Машғулотларни ўтиш тартиби. Машғулотлар соат 8.30 дан 14.30гача бўлиб ўтади. Кунига 0,6 кредит, 45 дақиқалик тушлик танаффус ва ҳар 2 академик соатли (80 дақиқа) машғулотдан сўнг 10 дақиқалик танаффус.

1.7. Малака оширишдан сўнг бериладиган ҳужжат:

Цикл якунида тингловчиларга якуний имтиҳонни муваффақиятли топширгандан сўнг, унга тегишли намунадаги сертификат топширилади.

2. Режалаштирилаётган таълим натижалари

2.1 Цикл якунида тингловчилар қуйдаги компетенцияларга эга бўлишади:

Умумий компетенциялар:

Болаларда нафас олиш аъзолари касалликлари хусусиятларининг асосий клиник белгилари ва уларни олдини олиш, касалликларни эрта аниқлаш, даволаш ва кейинги кузатув асосларини билиш. Соғлом турмуш тарзи ва болаларда нафас олиш аъзолари касалликларни ҳавф омилларини олдини олиш бўйича маслаҳат бериш ва санитария-тарғибот ишларини олиб бориш кўникмаларига эга бўлиш.

Касбий компетенциялар:

Болаларда ЖССТ дастури бўйича болаларга стационар ёрдам кўрсатиш, нафас олиш аъзолари касалликларини ташхислаш, даволаш, олдини олиш, стационар даволашга йўлланма бериш бўйича тадбирларни бажариш.

ЖССТ дастури бўйича болаларга стационар ёрдам кўрсатиш, болаларда нафас олиш аъзолари касалликларини олиб боришда қуйидаги зарур воситалар ва ускуналардан унумли фойдаланиш: тонометр, фонендоскоп, тарози, бўй ўлчагич, сантиметрли лента, пикфлоуметр, таймер, юрак-қон томир ҳавфини аниқлаш картаси.

ЖССТ дастури бўйича болаларга стационар ёрдам кўрсатишда, болаларда нафас олиш аъзолари касалликларини таснифлаш, амалга ошириш керак бўлган тадбирларни танлаш ва кейинги индивидуал кузатув режасини тузиш мақсадида қуйидаги антропометрик ўлчовлар, лаборатория инструментал текширувлар натижаларини тўғри таҳлил қилиш: тана-вазн индекси (ТВИ), артериал қон босимни, қондаги қанд, умумий қон таҳлилининг кенгайтирилган формуласини, лейкоцитлар кўрсаткичлар миқдорини аниқлаш.

ЖССТ дастури бўйича болаларга стационар ёрдам кўрсатиш, болаларда нафас олиш аъзолари касалликлари билан касалланган ва касалланиш ҳавфи мавжуд беморларга индивидуал (якка тартибда) маслаҳат бериш.

3. Дастур мазмуни:

**“ЖССТ дастури бўйича болаларга стационар
ёрдам кўрсатиш” мавзули малака ошириш дастури бўйича
ЎҚУВ РЕЖА**

№	Модуль, бўлим ва мавзулар номи	Кредит	Аудитория машғулотлари				Аттестация
			Маъруза	Амалий йўналишдаги машғулотлар			
				Амалий машғулот	Лаборатория иши	Семинар	
1	ЖССТ дастури бўйича болаларга стационар ёрдам кўрсатиш	36		34			2
1.1.	ЖССТ дастури бўйича болаларга стационар ёрдам кўрсатишда,	6		6			

	шошилиниҷ ва устивор белгиларни баҳолаш бўйича изохлар. Шошилиниҷ ҳолатларни баҳолаш ва шошилиниҷ даво тадбирлари. Устивор белгиларни баҳолаш.						
1.2	ЖССТ дастури бўйича болаларга стационар ёрдам кўрсатишда ,ўткир зотилжамлар.Ўта оғир зотилжам, оғир ва оғир бўлмаган (енгил) клиника, кечиши, ташхислаш, даволаш.	6		6			
1.3	ЖССТ дастури бўйича болаларга стационар ёрдам кўрсатишда зотилжамларнинг ўпка ташқи асоратлари турларини клинικο-морфологик ўзгаришлари (нафас етишмовчилиги, юрак етишмовчилиги, инфекционн-токсикшок,плевритлар, пиопневмоторакс).	6		6			
1.4	ЖССТ дастури асосида, болаларнинг ўсиш ва ривожланиш мониторинги.	6		6			
1.5	ЖССТ дастури бўйича болаларга стационар ёрдам кўрсатишда бактериал –септик эндокардит клиникаси ва даволаш.	6		6			

1.6	ЖССТ дастури бўйича болаларга стационар ёрдам кўрсатишда гипертермик синдромни даволаш алгоритми.	6		4			2
	Якуний аттестация						2
	Жами:	36		34			2

Машгулотлар мазмуни:

1. ЖССТ дастури бўйича болаларга стационар ёрдам кўрсатишда, шошилиш ва устивор белгиларни баҳолаш бўйича изоҳлар. Шошилиш ҳолатларни баҳолаш ва шошилиш даво тадбирлари. Устивор белгиларни баҳолаш .
 2. ЖССТ дастури бўйича болаларга стационар ёрдам кўрсатишда ,ўткир зотилжамлар. Ўта оғир зотилжам, оғир ва оғир бўлмаган (енгил) клиника, кечиши, ташхислаш, даволаш.
 3. ЖССТ дастури бўйича болаларга стационар ёрдам кўрсатишда зотилжамларнинг ўпка ташқи асоратлари турларини клинικο-морфологик ўзгаришлари (нафас етишмовчилиги, юрак етишмовчилиги, инфекционн-токсикшок, плевритлар, пиопневмоторакс).
 4. ЖССТ дастури асосида, болаларнинг ўсиш ва ривожланиш мониторинги.
 5. ЖССТ дастури бўйича болаларга стационар ёрдам кўрсатишда бактериал – септик эндокардит клиникаси ва даволаш.
 6. ЖССТ дастури бўйича болаларга стационар ёрдам кўрсатишда гипертермик синдромни даволаш алгоритми.
- Якуний аттестация.

Симуляцион курс (тиббий тренинг) мазмуни

№	Симуляция учун махсус анжомлар	ўтказиш жойи	Шаклланадиган касбий кўникмалар
1.	Тарозу, бўй ўлчагич, болани ўсиши ва ривожланиши баҳолаш учун эгри чизиклар, калькулятор, сантиметрли лента, таймер соат	Амалий машғулот, 1 сонли ШКБШсининг қабул бўлими ва бошқа болалар бўлимлари	Антропометрик кўрсаткичларни баҳолаш
2.	Пикфлоуметр	Амалий машғулот, 1 сонли ШКБШсининг	Бронхиал астма, сурункали обструктив

		қабул бўлими ва аллергология бўлимида	бронхитни ташҳислаш
3.	ЭКГ, фонендоскоп, танометр	Амалий машғулот, 1 сонли ШКБШсининг қабул бўлими ва бошқа болалар бўлимлари	Юрак қон-томир tizими фаолиятини баҳолаш

Ўқув модули якунида тингловчи билиши лозим:

ЖССТ дастури бўйича болаларга стационар ёрдам кўрсатишда асосий клиник белгилари ва уларни олдини олиш, касалликларни эрта аниқлаш, даволаш ва кейинги кузатув асосларини билиш. Соғлом турмуш тарзи ва болаларда нафас олиш аъзолари касалликларни ҳавф омилларини олдини олиш бўйича маслаҳат бериш ва санитария-тарғибот ишларини олиб бориш кўникмаларига эга бўлиш. Мутахасссига кўрувига йўлланма бериш ва касалхонага юбориш учун кўрсатмаларни бажариш.

Ўқув модули якунида тингловчи бажара олиши лозим:

1. Болаларда нафас олиш аъзолари касалликларини ҳавф омилларини аниқлаш, касалликнинг эрта ташҳислаш мақсадида анамнез йиғишни.
2. Антропометрик текширувлар ўтказиш ва интерпретация қилишни.
3. Тана вазни индексини ҳисоблашни .
4. Артериал қон босимни тўғри ўлчашни.
5. Беморларни биохимик текширувлар ўтказиш учун тайёрлашни.
6. ЭКГ олишни ва ўқишни.
7. Лаборатория инструментал текширувлар натижаларини тўғри таҳлил қилишни.
8. Рационал овқатланиш бўйича маслаҳат беришни.
9. Дори воситаларни қабул қилишни назорат қилишни.
10. Болаларда эмлаш индивидуал режасини ишлаб чиқишни.
11. Мутахасссис кўрувига йўлланма беришни.
12. Касалхонага юборишга йўлланма беришни.

4. ДАСТУРНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ПЕДАГОГИК ТАЪМИНОТИ

4.1. Ўқув база ва амалиёт базалари: Юнусобод тумани, 1 сонли ШКБШсининг бўлимлари.

4.2. Дастур бўйича аудитория машғулотларини ўтказиш учун зарур жиҳозлар рўйхати:

Компьютер, проектор, мавзули видеофильмлар, флипчарт, маркерлартароз, бўй ўлчагич, сантиметрли лента, таймер, пикфлоуметр, тонометр, фонендоскоп ЭКГ аппарат, муляжлар, фантомлар. Амалий машғулотлар учун схемалар, жадваллар, 5 ёшгача бўлган болаларни ўсиш ва ривожланиши баҳолаш учун

эгри чизиклар, даволаш стандартлари, илмий мақолалар, ўқув-услубий қўлланмалар, назорат саволларининг электрон кўриниши, вазиятли масалалар.

4.3.Адабиётлар

1. Robert M. Kliegman Nelson textbook of pediatrics. — 20 th ed. / [edited by] ... [et al.].USA, 2015. 5041 s.
2. Ричард Э. Берман, Роберт М. Клигман.. Педиатрия по Нельсону. 19 издание. Москва. Т1-5. 2011 год
3. Шабалов Н.П.- Детские болезни. Т1-2. Санкт Петербург,6 издания 2016год
4. Таточенко В.К.-Болезни органов дыхания у детей. Москва 2012год.
- 5.Баранов А.А. – Детские болезни. Москва 2012 йил.
6. Турдиева Д. Э. -Частная детская пульмонология. Учебное пособие 2021 год.

4.3.1. Қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати рўйхати

- 1.ЎЗР “Таълим тўғрисидаги қонуни”.
- 2.Соғлиқни сақлаш ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизими фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришга қўйиладиган давлат талаблари.
- 3.ЎЗР Президентининг 5.05.2017 йилдаги “Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2956-сон қарори.
- 4.ЎЗР Президентининг 7.12.2018 йилдаги № 5590-сонли “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони.
- 5.ЎЗР Президентининг 6.05.2019 йилдаги № 4310-сонли “Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.
- 6.ЎЗР Президентининг “2017-2021-йилларда мамлакатимизни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” 07.02.2017 йилдаги Фармони.
- 7.ЎЗР Президентининг “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 06.09.2019 йилдаги Фармони.
- 8.ЎЗР Президентининг “Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтириш тўғрисида”ги 09.11.2019 йилдаги Қарори.
- 9.ЎЗР Президентининг 7.12.2018 йилдаги № 5590-сонли “ЎЗР соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони.
- 10.ЎЗР Президентининг 6.05.2019 йилдаги № 4310-сонли “Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.
- 11.ЎЗР ВМнинг 27.09.2017 йилдаги № 769-сонли“Тиббий кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

12. ЎзР ВМнинг 13.09.2017 йилдаги №718-сонли “БТСЁ муассасаларида тиббий хизматлар сифатини яхшилашга, ўтказилаётган профилактика тадбирларининг самарадорлиги учун масъулиятни оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Қарори.

13. ЎзР ССВнинг 25.12.2017 йилдаги №777-сонли “ЎзР ССВ тизимидаги тиббиёт муассасаларида юритиладиган тиббий ҳисоб ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида” буйруғи.

14. ЎзР ССВнинг 08.09.2017 йилдаги №517-сонли “Тошкент шаҳар кўп тармоқли марказий ва оилавий поликлиникалар фаолиятини ташкил этиш ҳақида” буйруғи.

15. ЎзР ССВнинг 18.09.2017 йилдаги №535-сонли “БТСЁ муассасаларида профилактик чора-тадбирларнинг самарадорлиги учун масъуллигини ошириш чоралари тўғрисида” буйруғи ва бошқа меъёрий ҳужжатлар.

16. ЎзР ССВнинг 20.10.2015 йилдаги №225-сонли “Болаларга стационар ёрдам курсатиш” буйруғи.

17. ЎзР ССВнинг 30.11.2021 йилдаги 273-сонли стандарти.

4.3.2. Дастурда кўзда тутилган модуллар бўйича тавсия қилинадиган ўқув-услубий ҳужжатлар ва материаллар рўйхати (ўқув қўлланма, монография, миллий қўлланма, стандартлар, клиник протоколлар, электрон дастурлар ва ҳ.к.):

1. Баранов А.А. Избранные лекции по педиатрии – 2005 г – 640 с
2. Вельтищев Ю.В. Неотложные состояния у детей. Справочник. Москва. 2011
3. Под редакцией Володина Н.Н., Мухиной Ю.Г. Детские болезни. (т.1 Неонатология). Москва. 2011
4. Баранов А.А. и др. Рациональная фармакотерапия. детских заболеваний. Руководство для практикующих врачей. Москва. 1-2 том, 2007 год
5. Внебольничная пневмония у детей. Научно-практическая программа Москва 2012 год
6. Оказание стационарной помощи детям. Руководство по ведению наиболее распространенных заболеваний для врачей. детских стационаров. ВОЗ. Приложение №1 к приказу МЗ РУз №225 от 10.07. 2013 года.
7. Рост и развитие детей до 5 лет. Руководство. ВОЗ. 2013 год
8. 5 ёшгача бўлган болаларни ўсиш ва ривожланиши. Қўлланма. ЖССТ. 2013 йил.
9. Консультирование по грудном вскармливанию. Руководство. ВОЗ. 2013 год.
10. ВОЗ/ЮНИСЕФ. Питание детей грудного и раннего возраста. Учебное пособие. Ташкент. 2014 год.
11. ЖССТ/ЮНИСЕФ. Гўдак ва эрта ёшдаги болаларнинг овқатланиши. Ўқув қўлланма. Тошкент. 2014 йил.
12. Интенсивная терапия критических состояний у детей. Руководство для практикующих врачей Александрович Ю.С. Санкт Петербург 2014 год
13. American Heart Assoc. Pediatric Advanced Life Support, АНА, 2005
14. American Heart Assoc. ACLS The Reference Textbook, АНА 2005
15. Guideline: Pediatric advanced life support. 2003

4.3.3.Интернет-ресурслар:

1. www.medi.ru, www.medlinks.ru, www.obgyn.net.
2. <http://www.eurasiahealth.org/attaches/80/8064/225.doc>
3. <http://www.eurasiahealth.org/attaches/85/8545/677.doc>
4. <http://www.ahrq.gov/http://www.ahrq.gov/hidmenu>
5. <http://www.firstgov.gov/http://www.firstgov.gov/>
6. <http://www.avsc.org>
7. <http://www.rcog.org.uk/medical/greentopguide.html>
8. www.MedPortal.ru
9. www.evrika.ru
10. www.Med-edu.ru
11. www.med-info.ru
12. www.medagent.ru

5.ЯКУНИЙ АТТЕСТАЦИЯ

1.1. Семинарнинг биринчи ва охирги кунларида дастлабки ва якуний тест синовлари ўтказилади. Якуний тест натижалари ижобий бўлган ҳолда (70% дан кўпроқ тўғри жавоб) соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2012 йил 16 июлдаги 210-сонли “Тиббиёт кадрларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида сертификат ва маълумотномаларни тайёрлаш, сақлаш ва бериш тартиби тўғрисида”ги буйруғига мувофиқ катнашчиларга намунадаги сертификат топширилади.